



“Биз ўлук ва тўй учун ҳафтала, ҳатто ойлар ила ишдан қолурмиз. Ҳолбуки, шореъи аъзам, пайгамбари акрам саллоллоҳи алайҳи васаллам ҳазратлари ўлганни тез кўмиб ва кўмгандан сўнгра тез тарқалиб, ишга кетмоққа ва ўлукхона халқини уч кундан зиёда таъзия тутмасга, қаро киймасга, кир, фалокат бўлмасга амр этарлар. Эй, халқ! Эй, мусулмонлар! Биз на учун худо ва расулни сўзига, ўзимизни нафъимизга амал қилмаймиз? Биз девонами?”
Маҳмудхўжа Беҳбудий
“Бизни кемирғувчи иллатлар”. “Ойна”, 1915 йил, 13-сон.

МАҚОМ

...*Эй ганийларимиз, эй фақирларимиз, Амр этибдурму бизга Қуръон тўй. Мундайн ишлар шаръимизда йўқ Кори маъжус, кори шайтон тўй. Ишламас шундай ақллик киши, Йўламас асло аҳли виждон тўй. Утса тўй бирла ёзу қишимиз, Айлағай бизни ерга яксон тўй. Келинғиз дўстлар, дин қариндошлар, Ташласун бўлса гар мусулмон тўй.*

Абдулла Қодирий
“Тўй”. “Садои Туркистон” 1915 йил 20 март.



Ошша



Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Жамият

31 (1338)-сон 9 август 2017 йил
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ТҲЙ-МАЪРАКА – БУ ФАҚАТ ШАХСИЙ ИШ ЭМАС, БАЛКИ ИЖТИМОЙ МАСАЛА



“Мана, Тошкентдаги тўйларда “келиннавкар” деган яна бир бало чиқибди. Нима эмиш, энди келиннинг ота-онаси қизига қўшиб унинг ўнлаб дугоналарини ҳам бир хил кийинтириши, ясантириши керак экан. Бундай бемаза қилиқлар қаердан чиқяпти? Ёшларимиз кимдан ўрганияпти буну?”

“Жойларда бўлаётган учрашув ва мулоқотларда кўп-кўп одамлар менга айтаяпти, Виртуал қабулхонага ёзаяпти, “Тўй-маъракаларимизни бир тартибга солиб берингла”, деб мурожаат қияяпти. Ҳақиқатан ҳам, айна шу масала неча йиллар, ҳатто аслрдан бери кун тартибидан тушмасдан келади. Жадид бобларимиз ҳам тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик, дабдабазолик, мақтанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллат экани ҳақида қандай куюниб ўтганларини яхши биламиз.

Мана, ўзинлар кўряписизлар, соппа-соғ юрган айрим одамлар эллика кирмасдан туриб тўсатдан инсулт бўляпти, инфаркт бўляпти. Сабабини суриштирсангиз, бошқалардан қолмаслиқа тиришиб, катта тўй қиламан, деб қарзга ботган бўлади. Ҳали қарзидан қутулмасдан, яна тўй қилиши керак. Очигини айтадиган бўлсак, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар минг-минглаб оилаларнинг нафақат иқтисодий аҳволига, балки, бутун ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугун ҳаётимизда кўпайиб бораётган оилавий можаролар, уруш-жанжаллар, ажраллишлар, қудалар ўртасидаги совуқчилик сабаблари ҳам аксарият ҳолларда худди шу нарсага бориб тақалади.

Энг ёмони, айрим пул толиб ақл топмаган, маънавий савияси паст кимсалар тўй-ҳашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги одатларни ўйлаб топяпти. Буларни эшитиб, баъзан

ПРЕЗИДЕНТ

одам ҳайратдан ёқасини ушлаб қолади. Мана, Тошкентдаги тўйларда “келиннавкар” деган яна бир бало чиқибди. Нима эмиш, энди келиннинг ота-онаси қизига қўшиб унинг ўнлаб дугоналарини ҳам бир хил кийинтириши, ясантириши керак экан. Бундай бемаза қилиқлар қаердан чиқяпти? Ёшларимиз кимдан ўрганияпти буну?

Яқинда ўтган “Камолот” қурултойида мен ёшларнинг оғзини пойладим. Бирорта йигит ёки қиз чиқиб: “Эй, дўстлар, тенгдошлар, биз уйланамиз, турмушга чиқамиз деб ота-оналаримизни ниҳоятда кийнаб қўйдик. Келинглар энди, уларни бундай оғир ташвишга қўймайлик, келажагимизни, миллатимизнинг шаънини ўйлаб, тўйларимизни камтарона, ихчам қилиб ўтказайлик”, деган гапларни айтармикан, деб кутдим. Афсуски, улардан бу масалада ҳеч қандай фикр эшитмадим.

Тўй-маърака – бу фақат шахсий иш эмас, балки ижтимоий масала эканини инобатга олган ҳолда, Бош вазир А.Арипов, Бош вазир ўринбосари Т.Норбеовага тегишли ташкилотлар билан биргаликда оилавий маросимларни тартибга солиш, уларни ихчам, исрофгарчилик ва дабдабага йўл қўймасдан ўтказиш бўйича бир ой муддатда Президент қарори лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилади”.

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг Ўзбекистон ижодкор зёбилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан

ДОКТОРЛАРДАН ХУРСАНДМАН, БИРОҚ...

Яқинда ўғлим бетобланиб, Наманган вилояти, Чуст тумани шифохонаси болалар бўлимида даволанди. Шукр, авваламбор, Худо, қолаверса, шифокорлар саъй-ҳаракати билан болам соғ-саломт бағримга қайтди. Бўлимдаги шифокорлардан мамнунман, еган ошлари ҳалол, ўтган кунлари савоб экан.

Аммо... Ҳўн кун шифохона ҳаётини кузатишга тўғри келди. Шифокорларни мактадим, бироқ шароит... Бемор кўп – жой оз. Асосан, иситмаси кўтарилиб, беҳузур бўлаётган болажонлар. Бу ҳолатда шифохона йўлагими, ерми, фарқи йўқ, кўнаси, ноз-фироқнинг ўрнимас. Болангиз тузалса бас. Қирқ нафар болага мўлжалланган бўлимда 70 дан зиёд бемор даволанади. Палаталарда 6-7 каравот тикилган, оналар билан қўшиб ҳисоблаганда 12-14 киши. Хоналар дим, иссиқ. Нафас олиб бўлмайди. Энг ёмони, алоҳида тунги навбатчи йўқ.



facebook

Қўшни бино – шошилинч тиббий ёрдам бўлими. Ўша ердаги тунги навбатчи педиатр болалар бўлимига ҳам қарайди. Бу – айтишга осон. Аслида ярим тунда ўша ёққа чопиб, шифокор қидирганим, ўнлаб она кечаси мендай изиллагани... кимнингдир боласи иситмада ёнгани, қайсидир болажон иситмадан ўзини йўқотиб қўйгани эсимдан чиқмайди. Чинқириб йиғлаётган чақалоқнинг қоши, дардини билсангиз...

Битта шифокор тонггача шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимига келган 20-30 беморга, бу ёқда яна 70 дан ортиқ касал болага қарашга мажбур. Бир шифокорга шунча юк ортиқчилик қилмайдими? 250 мингга яқин аҳолиси бор туман касалхонасида болалар бўлими қирқ ўринга мўлжаллангани тўғрими? Мен, докторлардан хафа эмасман, ношукурлик ҳам қилаётганим йўқ. Қўрган-кечирганимни ёздим, ҳолос.

Дилором ЭРҒАШЕВА, ўқитувчи

"ЁШ ОИЛАЛАР ВА ҚИЗЛАР" ФОРУМИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ҳамда 12 август – Халқаро ёшлар кунига бағишлаб ўтказилиши режалаштирилган лойиҳа – "Ёш оилалар ва қизлар" биринчи республика форуми уюшмаган ёшларнинг орзу-интилишларини ўрганиш, уларни оилага, жамиятга муносиб инсонлар этиб камолга етказишга муносиб ҳисса қўшишдек мақсадларни кўзлайди.

Ушбу жамоат ташкилотидида бўлиб ўтган матбуот анжуманида 8 августдан 12 августга қадар давом этувчи маъруза-маърифий ҳафталикдан қўзланган асосий мақсад, унинг доирасидаги тадбирларнинг аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати – йигит-қизларнинг барча қатламларини қамраб олиши билан аҳамиятлидир. "Фидойинг бўлмаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида ўтказиладиган ушбу форум ҳафта давомида куйидаги тадбирларнинг босқичма-босқичлигида ташкил этилади. Сингапур менежментни ривожлантириш институти биносида ташкил этиладиган "Мен ҳам етакчи бўламан!" мавзусидаги маърифий учрашувда сенаторлар, депутатлар, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган раҳбар аёлларнинг қизлар билан жонли мулоқоти кўзда тутилган. Мулоқот чоғида қизларга ҳаётда ўз



ўрнини топиш, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, касбга садоқат, фидойилик ҳақида атрофлича маълумот берилди.

"Фан-таълим – келажак пойдевори" мавзусидаги давра суҳбатидида эса юртимизда таълим, илм-фан соҳаси, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий изланишлар олиб бориш, ёш олим ва тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш борасидида янгиликлар муҳокама марказида бўлади. "Оилам китоб ўқийди" акцияси давомида мамлакатимиз нашриётларида кейинги йилларда чоп этилган энг муқаммал адабиётлар тақдими бўлиб ўтади. "Соғлом турмуш тарзи" акцияси мобайнида сузиш бўйича мусобақалар, тиббий маданиятни юксалтириш, тўғри овқатланишга оид семинарлар ташкил этилади. Форумнинг якуний босқичида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган "Ёш оилалар ва қизлар билан ишлаш бўйича стратегияси" тақдими ҳам кўзда тутилган. Айна пайтда касб-хунар ўрганиш, тадбиркорлик кўникмаларини эгаллаш бўйича маҳорат сабоқлари, тўй-ҳашамларни исрофгарчиликларсиз ўтказишга оид тадбирлар, "Қизларжон" клубининг очилиши, "Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя" китобининг тақдими ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЗИЁРАТЧИЛАР ҲАЖ САФАРИГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистонлик зиёратчиларнинг 459 нафардан иборат дастлабки иккита гуруҳи 7 август кунини Тошкент ва Наманган шаҳарларидан Саудия Арабистонига жўнаб кетди, дея хабар беради ЎЗА.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий йилги ҳаж мавсумида ўзбекистонлик зиёратчилар 7 минг 350 нафар қилиб белгиланди. Шу пайтга қадар ҳар йили 5 минг юртдошимиз ҳаж сафарига ва 6 минг нафари умра зиёратларига борганини инобатга олсак, ўзбекистонликларнинг диний ибодатларни амалга ошириши учун яратилаётган қулайликлар бугунги ривожланиш талабларига ҳамоҳанг тақомиллаштириб борилаётганидан далолатдир.

2018 йилдан бошлаб йилига 10 минг ватандошимиз умра амалларини бажариш имконига эга бўлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йилда 150 нафар Иккинчи ҳажон уруши қатнашчиси ва уларга ҳамроҳлик қилувчи фуқаролар имтиёзли равишда ҳаж зиёратига юборилмоқда.

Ҳаж ибодатларини тўла-тўқис адо этиш, бу борадаги тартиб-қоидалар, шунингдек, сафар талаблари хусусида тушунтириш бериш мақсадида жойларда зиёратчилар гуруҳлари учун сафаролди учрашувлари ташкил этилди.

Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида жорий йилнинг 7-23 август кунлари "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси томонидан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларидан Мадина шаҳрига тўғридан-тўғри парвозлар йўлга қўйилди.



КўМИТА ВА МАТБУОТ ҲАМКОРЛИГИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Оилавий ажримларнинг олдини олишда маҳалла фаоллари, хусусан, яраштириш комиссиясининг роли қандай бўлиши керак? Ёшларнинг турли ижтимоий тармоқларга боғланиб қолаётгани, виртуал оламда "яшаётган"и уларнинг оилавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши, оиладаги таълим-тарбия масалалари матбуотда қай даражада ёритилмоқда? Бу борада маҳалла фаоллари ҳамда ОАВ ҳамкорлиги қониқарлими?

Самарқандда вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Оила ва жамият» газетаси таҳририяти ташаббуси билан Самарқанд давлат университетидида ўтказилган йиғилишда шу мавзулар юзасидан фикр алмашилди. Шаҳар, туман хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳалла маслаҳатчилари ҳамда маҳаллалардаги яраштириш комиссиялари фаоллари, отинойилар иштирок этган анжуманда оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашда китобхонлик, газетхонликнинг аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Ғафурова кўмиита мутахассислари, маҳалла фаолларини ушбу муаммоларни ёритишда газета билан яқиндан ҳамкорлик қилишга чақирди.

– Оилалардаги ажримлар, келиб чиқаётган нотинчликларни таҳлил қилар эканмиз, айрим эр-хотинлар, қайнона-қайноталарнинг китобхонлик маданиятини деярли унутиб қўйганига ғувоҳ бўлмоқдамиз, – дейди М.Ғафурова. – Нарпай, Пайариқ туманларидаги маҳаллаларда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида кутубхоналар ташкил этилгани бу борадаги яхши ташаббуслардан биридир. Аммо уни янада кенгайтириш, ҳар бир маҳалла аҳли китоб, газета ўқиши учун етарли имкониятга эга бўлиши лозим. Мамлакатимиз раҳбари томонидан оиладаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, муаммоларни биргаликда ҳал этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди. Аммо бугун жойлардаги баъзи маҳалла маслаҳатчиларнинг ўзи китоб, газета ўқимайди. Тегишли янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлмаган маслаҳатчи кўмак сўраб келган фуқаро олдида билимсизлиги туйғайли ўз обрўйини тўқаётгани, бу эса вазифасини тўла-тўқис бажаришда унга тўсиқ бўлаётгани сир эмас.

Йиғилиш давомида маҳалла маслаҳатчилари оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича тажрибалари билан ўртоқлашди, китобхонлик масалаларида таълим муассасалари билан ҳамкорлиги натижалари бўйича фикр билдирди.

Ўз мухбиримиз

7 АВГУСТ КЕЧАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЙ ТУТИЛИШИ КУЗАТИЛДИ

7 август кунини кечаси Ўзбекистон аҳолиси қисман Ой тутилишини кузатди. У соат 22:24 да бошланиб икки соат давом этди.

Қисман Ой тутилиши — сайёранинг табиий йўлдоши Ер соясининг шимолий қисмидан ўтиши ва унинг бошқа қисми эса ярим сояда қолишидир.



МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТ СИРТҚИ ТАЪЛИМДА ИККИНЧИ ОЛИЙ МАЪЛУМОТНИ ОЛИШ ИМКОНИНИ ЯРАТДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети сиртқи таълим шаклида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни олиш имконини яратди. Бу ҳақда олий таълим муассасаси сайтида



хабар берилди. О Т - Мда 36 та таълим йўналиши бўйича 2017 - 2018 ўқув йилидан тажриба-синов тариқасида

масофавий ўқитиш усулларини қўллаган ҳолда сиртқи таълим шаклида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни олиш мумкин.

Йўналишлар университетнинг 10 та факультетида очилмоқда: биология, геология ва география, журналистика, ижтимоий фанлар, иқтисодий, кимё, математика, физика, тарих, хорижий филология.

Сиртқи таълим учун ҳужжатларни қабул қилиш 20 августга қадар давом этади.

ОДАМ УЧУН ЭНГ КАТТА ҲАВФ ЁЛГИЗЛИК ЭКАНЛИГИ АНИҚЛАНДИ

Ёлғизлик ва ижтимоий изоляция инсоният учун семизликдан кўра каттароқ ҳавф тугдиради. Бундай хулосага

Бригам Янг университети олимлари келди. Уларнинг фикрича, ушбу омиларнинг аҳолига таъсири йилдан йилга кучайиб бормоқда ва миллий муаммо ҳисобланади. Тадқиқот пресс-релизи EurekAlert! сайтига жойланди.

Экспертлар сўзларига кўра, бошқа одамлар билан ўзаро муносабат одамнинг асосий эҳтиёжларидан бири бўлиб, у психологик саломатлик учун ҳам, яшаш учун муҳимдир. Тадқиқот маълумотларига кўра, 45 ёшдан каттароқ бўлган 42,6 миллион америкаликлар сурункали ёлғизликдан азоб чекади. 2014 йилги рўйхатга олиш натижалари бўйича аҳолининг чорак қисмидан кўпроғи ёлғиз яшайди, фуқароларнинг яримдан кўпи эса турмуш қурмаган.

Маълум бўлишича, мустаҳкам ижтимоий алоқалар барвақт ўлим хавфини 50 фоизга камайтиради. Аксинча, ижтимоий изоляция ёки ёлғизлик барвақт ўлим хавфини бошқа омилар, шу жумладан, семизликка нисбатан, кўпроқ оширади.

Мутахассислар фикрича, соғлиқни сақлаш тизими ижтимоий алоқаларнинг аҳоли саломатлигига таъсирини ҳисобга олиши керак.

daryo.uz

ОИЛАМ – ФАХРИМ

Инсон камолотида оила тарбиясининг ўрни бекиёс. Ҳар бир оқил фарзандни шу қутлуғ маскандан бошланган илк одимлари саодат манзилига етказилади. 1947 йил 27 июлда Самарқанд шаҳрида, зиёли оилада таваллуд топган Мухаррам Бегим Багированинг ҳаёти ва фаолиятида ҳам маърифатли ота-онанинг ўғитлари, ибратли ҳаёт тарзи муҳим аҳамият касб этган.

Отаси Мир Боғир эшон мадрасада таҳсил олган, ўз даврининг илғор фикрли кишиларидан эди. Онаси Ҳалима бегим ҳам ўз исмига муносиб, гўзал фазилатлари билан ажралиб турарди. Улар икки фарзанд: Саидўлмас ва Мухаррам Бегимга меҳр, мулоимлик билан тарбия беришди. Раҳматли отасининг сабоқлари ҳеч эсдан чиқмайди, диний ва дунёвий илмларни мукаммал эгалаган эшон бобо бўш вақт топса, фарзандларига китоб ўқиб берар, ғазаллар ёдлатар, уларга “сиз”лаб муомала қилар, айниқса, сеvimли қизабоғининг исмини ҳеч қачон тоқ айтмас, уни “бегим қизим”лаб ардоқларди...

Мухаррам Бегим мактабни битириб, Самарқанд давлат университетининг биология факультетида таҳсил олди. Университетни битиргач, 1968 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг физиология кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида иш бошлади. Узининг меҳнатсеварлиги билан тезда жамоада ҳурмат қозонди. Бу орада юлдузи юлдузига тўғри келиб, Наимжон исмли йигитга турмушга чиқди. Биринкетини Нилуфар, Шаҳноза, Дилноза ва Азизахонлар туғилди...

– Ҳаёт мактаби тубсиз ва сарҳадсиз уммонга ўхшаркан, – дейди биз билан суҳбатда Мухаррам Бегим ая. – Қанча интилайлик, ундан оладин сабоқларимизнинг охирига етиб бўлмайди. Ота-онамиз ҳеч қачон бандан овозда гапирмаганлар. Иш-

ОНАЛАР МЕҲРИ – МИННАТСИЗ САХОВАТ

дан чарчаб келсалар ҳам биз билан ўтириб, суҳбатлашардилар. Оилавий китобхонликни яхши кўрардилар. Дадажоним қариндошларни йўқлаб келмоқчи бўлсалар, доим акамни ёнларида олиб юрардилар. “Яқинларимизга, кўни-кўшниларга ва бир-бирингизга ҳамиша меҳрли бўлинглар”, дердилар. Меҳр-оқибатли ва соғлом муҳитли хонадонда камол топганимиз сабабли, машаққатларга дуч келганимизда тушқунликка тушмадик. Балки, уларни ёруғ юз билан енгилга ўзимизда куч ва матонат топдик. Қизларимга онамдан олган сабоқларимни ўргатишга ҳаракат қилдим. “Уйни озода ва чиройли тутиш, доим кулиб туриш, меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олиш, танлаган касбидан ташқари яна бирон ҳунар ўрганиш қиз боланинг ҳусни”, дердилар аяжоним. Фақат мен эмас, раҳматли акам ҳам қизларимни “онам” деб эр-калардилар.

Инсон умри илм ва маърифат ила чароғон бўлиб, бошқаларнинг йўлларини ҳам ёритади. Илмга интилган қалб покланиб, қадри ошиб бораверади. Мухаррам Бегим ая Самарқанд давлат тиббиёт институтининг физиология кафедрасида узоқ йил меҳнат қилди. Табиатидаги қатъият, матонат туфайли меҳнат фаолиятини оила фаровонлиги, фарзанд тарбияси билан уйғунликда олиб борди. Ақл қадри одоб билан, бойлик қадри саховат билан ўлчанганидек, онанинг қадри тарбиялаган фарзандларининг истеъдоди, мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиши, элнинг қорига яраши билан баҳоланади.

– Оналарнинг меҳри – миннатсиз саховат, умри – риёсиз ибрат, йўли яхшлик ва эзгулик, манзили бахту саодат экан, – дейди аянинг ўртанча қизи Шаҳнозахон. – Аяжоним оналарининг ўғитлари ва сабоқларига бир умр содиқ бўлдилар. Тўртталамизни ҳам олий даргоҳда ўқитдилар, менинг санъат билан шуғулланишим учун шароит яратиб бердилар. Тўғри, бу ёруғ дунёда ҳаммага ўзининг онаси



азиз. Лекин, бизнинг аяжонимиздек хокисор, ҳаловатидан кечиб, ўзини оиласи ва фарзандларига фидо қилган оналар кўп бўлмаса керак. Аяжоним маълум вақт илм билан жиддий шуғулланганлар. Лекин, бизнинг тарбиямиз билан банд бўлиб, илмий ишлари чала қолган. Баъзан: “Эсиз, ўшанда илмий ишингизни охиригача еткази олмангиз-а”, десак: “Мен ҳеч ҳам афсусланмайман, битта эмас, тўртта диссертация ёздим, улар сиз – менинг бири-биридан чиройли, оқила ва меҳрибон қизларим”, дейдилар жилмайиб. Аяжонимдан меҳрибон сингиллик илмини ўргандик. Раҳматли Ўлмас тоғамнинг халқ орасида обрўси баланд эди. Тоғажоним бизларни ўз фарзандларидан аъло кўрардилар. Биз ҳам тоғамнинг ўғиллари Мираҳмад акам, Нодир акам ва Азизжонни туғишган жигаримиз деб биламиз. Сулоламиз ва “Боғисарой” маҳалламизда қандай оилавий муаммо бўлса, аяжонимга мурожаат қилишади. Аяжоним

бағрикенглик ва оқилалик билан масалага ечим топадилар. Бугун на-бираларини ҳам меҳру эъзоз билан тарбияламоқдам.

Ҳар бир оиланинг мустақамлиги, фаровонлиги, фарзандларнинг бир-бирига ўзаро ҳурмати, ватанга садоқатини шакллантириш биринчи навбатда оналаримизнинг тафаккури ва тадбирига, тарбия маҳоратига боғлиқ. Бурч ва масъулият каби муқаддас тушунчаларни болалар онгига синдириб борувчилар ҳам оналардир.

Покиза меҳр нури ила фарзандларини тарбиялаб вояга етказган, ёшларга таълим-тарбия берган, маърифат ва маънавиятни, оилага садоқатни ҳаётининг мазмуни деб билган, хонадонларимиз чироғи, маҳалларимиз фазиси бўлган Мухаррам Бегим Багирова каби онахонларимиз билан ҳар қанча фахру ифтихор этсак арзийди.

Хулқар ҲАМРОЕВА,
филология фанлари номзоди

УЙМА-УЙ ЮРИБ...

Қибрай тумани Қибрай шаҳарчаси Фафур Гулом маҳалласи, 44-уйда яшовчи Зулпи аяни нафақат катталар, балки болажонлар ҳам яхши кўришади. Меҳр меҳрдан сув ичади, деганларидек, ая ҳам болажонларни бошқача суйиб эркалайдилар. 1 июнь – Халқаро болаларни химоя қилиш куни муносабати билан бу йил ўзи тандирда ширмой нон ёпиб, маҳалладаги 2 ёшдан 15 ёшгача бўлган 40 нафар болани маҳалла гузарига таклиф этиб, байрам ўтказиб берганини айтмайсизми.



4 ўғил, 3 қизни тарбиялаб вояга етказган бу онахон маҳаллада ўтказилган “Намунали қайнона” танловиди ҳам 1-ўринни қўлга киритган. – Шундай онахонларимиз борки,

БОЛАЛАРИ АРДОҚЛИ, КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛИ...

маҳалламиз файзли, – дейди МФЙ райиси Алишер Назиров. – Ёшлар тарбияси, тўй-маъракаларни ихчамлаштириш борасида улар билан маслаҳатлашамиз. Аҳолимиз сони 2454 нафар. 460 хонадон, 782 оила мавжуд. Шу кунгача фуқароларнинг айрим муаммо-

фат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Нигора Шерматова, жамоатчилик асосида ёшлар билан ишлаш бўйича раис ўринбосари Холида Халилова ҳамроҳлигида уйма-уй юриб, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит билан танишдик.

– Шундай жаннатмакон юрда яшасизлар, болаларим, – дейди Наврўз кўчаси, 20-уйда истиқомат қилувчи Санобар Тўлаганова. – Бизнинг пайтда барча юмуш қўлда бажариларди. Ҳозир-чи?! Ҳамма ишингизни техника “қўлингиздан олган”. Хоҳлаган кийимингизни танлаб қиясиз. Биз битта кийим олсак, ўн йиллаб киярдик. Ёки опаларимиз, акаларимиздан қолган кийимлар билан қаноатланардик. Ҳозир сизларни еганингиз олдингизда, емаганингиз ортингизда. Бунинг қадрига етинлар. Шундай дориламон замонда яшаш насиб этганидан бахтиёрман. Ўзим 90 ёшданман. Раҳматлик умр йўлдошим билан 3 ўғил, 3 қизни вояга етказдик. 23 набири, 32 эварамиз бор. Маҳалла-қўйдагилар хонадонимизни “Намунали оила”, деб ҳурмат қиладди. Барака топшин. Иккинчи ўғлим билан яшайман. Невара келиним Ҳилолаҳон доим хизматимда. Шуларнинг дуои

лари ҳал этилди. Баъзи кўчаларнинг йўллари текислишини масаласида туман ҳокимиятига хат билан мурожаат қилганмиз. Жавобини кутяпмиз. Алишер Назиров, диний маъри-

жонини қилиб ўтирибман.

Кўркам кўчаси, 20-уйда яшовчи Санобар Маюсупова 75 ёшда. 4 ўғил, 3 қизи бор. Кам таъминланган оила. 2 та ўғил ва 1 та қизи 2-гуруҳ ногирони. Бу оилага маҳалла идораси ҳамда ҳомийлар томонидан ёрдам бериб турилади. Қибрай туманига қарашли кўптармоқли марказий поликлиника оила шифокори Холида Азимова мунтазам назорат қилиб туради.

Фаровон кўчаси, 15-уй томон йўналдик. Оила бошиғи Орифжон Юсупов умр йўлдоши Мухаррам Юсупова билан “Узсаноатқурилишбанк”нинг Қибрай тумани бўлимидан 7 миллион сўм кредит олиб, 8 бош совлиқ, 5 бош кўзичоқ олишибди. Ҳам эрмак, ҳам рўзгорга кўмак-да.

Фаровон кўчаси, 38-уй бекаси Хуршида Мирзааҳмедова боқувчисини йўқотган. Ўғиллари 14 ва 12 ёшда. Умр йўлдоши эрта оламдан ўтган. Хуршида “Splash” фирмасида ишлайди. Туман пенсия жамғармаси томонидан болаларига нафақа олади. Маҳалла идораси ходимлари доим хабар олиб туришади. Ҳомийлар томонидан байрамларда совғалар бериб турилади.

Маҳалладаги хонадонларни ўрганиб, бу ғушадаги муаммолар шу ернинг ўзида ҳал этилаётганига, ёши улуг отахон ва онахонлар ўзларининг турмуш тарзи, хатти-ҳаракатлари билан ёшларни ахиллик, тотуликка, ўзаро ҳамжиҳатликка ўргатаётганига гувоҳ бўлдик.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири

ОРЗУ-ҶАВАС БАХТГА КАФОЛАТ ЭМАС



Республикамизда оилалар фаровонлигини янада ошириш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги кескин тафовутни бартараф этиш бора-сида кенг қўллади, мақсадли ва манзилли ишлар олиб борилаётган бир даврда тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боглиқ жараёнлар барчани ташвишга солмоқда.

Янги қурилаётган оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, қудандалар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат муҳитини сақлаш ўрнига кимўзарга дабдабозликка берилиш, молу дунёга, ҳою-ҳавасга ҳирс қўйиш ҳолатлари авж олмақда. Айниқса, никоҳ тўйларига турли қўшимча тадбирларнинг қўшилиб бораётгани, маҳаллалардаги кўни-қўшнилари орасида қаттиқ норозилик юзага келиши билан бирга, оилалар ўртасида табақаланишга, энг ёмони, фарзандлар тарбияси ҳамда соғлом оилавий муносабатларга салбий таъсир ўтказмоқда.

Қимматбахо меҳел, оз фурсат ўтмай, урфдан қоладиган сарполар, беҳуда ҳавога созурилган пуллар билан ўғил-қизларимизга эҳтимол вақтинчалик,

омонат тахт қуриб берармиз, аммо бу бемаъни орзу-ҳавасларимиз фарзандларимизни бахтли яшашларига кафолат бўла олмайди. Аксинча, айна шу молпарастлигимиз, ўзимизни ўзгаларга кўрсатиб қўйишга уришимиз билан фарзандларимиз бахтига соя соляпмиз, катта сеп билан куёв эшигига борган қизимиз кўнглига калондимоголик, олиб борган мол-дунёсидан сармастлик, куёв ва унинг хонадонини менсимаслик уруғларини қадапмиз, тўйдан кейинги моҳароларга ўзимиз сабаб бўляпмиз... Аксарият оилалардаги ўзаро тушунмовчиликлар, арзимас икир-чикирлардан бошланиб, охири ажрим билан тугаб, норасида гўдақлар пешонасига "тирик етимлик" тамғасини тушираётган катта жанжалли низолар ҳам ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўлишаётгани ўта ташвишланарли ҳол...

Аслида тўй – ота-оналарнинг оила қураётган фарзандларини бахтли, тинч-тотув, аҳил турмуш кечиршига эришиш, авлодлар бардавомлигини таъминлаш йўлидаги сарф-ҳаракатлари ифодаси бўлиши керак.

Дабдабозлик, ортиқча сарф-ҳаракатлар, қудалар ўртасида хашаматли "борди-келди"ларнинг авж олаётгани турли салбий ҳолатлар, ҳатто оилавий ажримларни келтириб чиқармоқдаки, мазкур тадбирларни тартибга солиш бугунги кунда жамиятимиз учун ўта долзарб масала бўлиб турибди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тўй-ҳашамлар, оилавий маросимларни тартибга солиш мақсадида барча ҳудудлардан таклиф ва тавсияларни тўплади, улар экспертлар томонидан

ўрганилмоқда.

Ҳозирги кунда Республикаимизнинг 8 мингдан ортиқ маҳаллаларида фаолияти йўлга қўйилган "Қайноналар кенгаши" аъзолари орқали тўйдан олдин ҳар иккала қудалар таклиф этилиб, улар билан индивидуал тарзда суҳбатлар ўтказилмоқда. Мазкур суҳбатларда тўй олди сарф-ҳаракатлар, ортиқча дабдаба, хашамдор "борди-келди"ларни чеклаш ҳақида келишиб олинмоқда. Энг муҳими, бундай суҳбатларда тўйларда ортиқча дабдабозликларни янги қурилаётган оилалар тинчлиги, улар бахтига раҳна сўловчи бирламчи омил экани ҳаётӣ, ибратли моллар

бирлар дастури ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг Шайхонтоҳур туманига ташрифидан сўнг туман ҳокимлигида тўй-ҳашам, маросим ва оилавий тадбирларни мувофиқлаштирувчи жамоатчилик Кенгаши фаолияти ҳам тўйдан ўзгартирилиб, ҳар бир аъзонинг масъулияти оширилди.

Тўй ва маросим эгалари билан ихчам, исрофгарчиликсиз ва белгиланган талаблар асосида оилавий тадбирларни ўтказиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш "Қайноналар кенгаши" жамоатчилик тузилмасининг вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Тумандаги мавжуд тўйхона раҳбарлари билан тўйларни ихчамлаштириб ўтказиш бўйича йиғилиш ўтказилиб, унда тўй ўтказиш учун келган фуқароларни журналга қайд этилиши, ФХД Ҷе ғувоҳномасининг тақдим этилиши, таомнамаларнинг ихчамлаштирилиши каби талаблар қатъий белгиланди.

Ўтган Рамазон ҳайити арафасида тумандаги янги келин тушган 334 хонадон аниқланиб, улар билан тушунтириш ишларини олиб борилиши натижасида 251 тасида "Келин ҳайити" ўтказмаслигига эришилди.

Ҳар бир маҳаллада тўй ва бошқа маросимларни ўтказадиган хонадон соҳиблари, келин-куёвлар билан маҳалланин "Қайноналар кенгаши" ва "Яраштириш комиссияси" тадбирдан олдин улар суҳбатидан ўтказилиши йўлга қўйилди.

Саодат БОЙМИРЗАЕВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бош мухассиси


ДАБДАБАНИНГ ДАЪВОСИ

Хашамдор ресторанда ўйин-кулги авжида. Шўх тарона ёр-ёрга уланиб, келин-куёв кириб келди. Оппоқ либосдаги келиннинг елкалари очик... Қўшиқда айтилаётгандек ибод билан эмас, (!) меҳмонларга табассум улашиб кирди. Обдон безалган диванга ўтиргач, тилақлар айтилди. Навбат келин-куёвга берилди. Қарсақлар остида икки ёш даврага чиқди ва маст-аласт томошабинларнинг қичқиряқлари остида ўйинга туша кетдилар... Миллийлик, ўзбекона урф-одатларга зид бу ҳолатга қачондан буюн кўз урганди?! Биз кимдан, қердан ибрат оляпмиз?

– Айна шу мавзуда маҳаллаларда очик мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказиб келяпмиз дейди, – О'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Хуршидаҳон Халилова. – Тўйлардаги бундай ноҳус манзараларга қарши курашмасак, эртага у чекка ҳудудларда ҳам илдиз отади. Ахир, биз ибод-ҳаёда тимсол Нодирабегим, Зебуноисо, Увайсий, Зулфия, Саидалар авлодимиз. Тўйлардаги бу ҳолатдан ялиш, қизларни тартибга, миллийликка чақирин керак. Тарбияда талабчанлик керак.

Айна вақтда Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси қошидаги "Қайноналар кенгаши", маслаҳатчилар, қайвони онахонлар билан биргаликдаги ташвиқотларимиз ёш қизлар, бўлғуси келинларга сабоқ бўлмоқда. Уларга молларимиз ибратни хусусида ҳаётӣ ҳикматлардан айтиб, онгу шуурига ўзбекона ибод, андишани чуқур синдиришга уринаяпмиз.

БОРМИ?



"ЎНТА ҚҶЙ НИМА БЎЛАДИ?"

"Маҳаллада дув-дув гап" фильмидаги машхур ибората тилимизга сингиб кетган: "...Ҷа, ўнта қўй нима бўлади? Маҳаллада дув-дув гап бўлсин, дейман!"

Бугун тўйларни нафақат маҳаллада, балки бутун шаҳарда, вилоятда дув-дув гап қилиш одат тусига кирди. Ҷатто маошга кун кечирадиган оила ҳам дангиллатиб қиз узатяпти, ўғил уйла-япти, суннат тўйи қияпти. Тўйлардаги исрофгарчиликни кўриб кўнгил зил кетади. Дастурхон тўла ноз-неъмат, улардан қайсидир меҳмон татийди, кимдир ҳатто қўл теккизмайди. Тўйдан кейин куёв хонадонига қирқ кун маъзар ташилади. (Бу Андижон вилоятига хос удум бўлиб, тўйдан кейин куёв хонадонига иссиқ овқат ва ноз-неъматлар етказиб турилади. Изоҳ: тахририятдан) Наҳотки оила аъзолари сони биттага кўпайгани учун қиз тараф куёв оиласини боқиши керак бўлса?! Тўғри, кўп ҳудудларда маъзарлар қирқ кундан беш-ўн кунга қисқартирилган. Бирок, гуруч курмасиз эмас.

Муҳаррамхон РАҶМОНОВА, Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати:

– Келиннинг сепи бўлгунча, эпи бўлсин. Қизларига хорижнинг сўнги урфдаги кийим-кечагини йиғаётган оналар, аввало, таълим-тарбияда собит бўлишлари зарур. Бугун ҳар қадамда ўқув марказлари. Бўлажак келинларни оилага, рўзгорга, турмушга тайёрлаш оналаримиз олдидаги энг муҳим вазифа. Айна чоғда юқоридаги масала юзасидан жойларда суҳбатлар ўтказаяпмиз. Тўйлардаги ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олиш учун имкон қадар уринаяпмиз. Бундан ташқари, очик мулоқотлар чоғида "увол" деган тушунчага ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Исрофгарчилик нималарга олиб келиши ҳақида гапиряпмиз. Бунда бизга, албатта, диний уламолар ёрдам беришяпти. Барчамиз бир ёқадан бош чиқарсак, бу иллатни энгшимиз қийин кечмайди.

СУННАТ ТҶИИ КИМНИНГ

ҶЙИ?

Қўшим ўғлига суннат тўйи қилди:

сарпо-сидирга, меҳелу телефон, яхши-лаб боқилган новвос ақлни шоширади. Тўрт мавсумга ота-онага алоҳида, фарзандларга алоҳида, тўй болага икки-уч хил, бу ҳам етмагандай қайнона-қайнота, қайсингил, қайнукаларга ҳам махсус сепу сарполар, тоғоралар...

Бу "ҳашам"ларни бутлагунча кимнингдир паймонаси тўлади, кимгадир қўл учидаги кирдай туюлади. Ахир, беш қўл баробар эмас. Аслида, болага шунча дабдаба керакми? Асло! Айрим катталарга керак! Нима учун? Сабаб битта: лаганбардорлик, ҳою-ҳавасга ўчлик, мол-дунёни кўз-кўзлаш.

Улуғбек НАЗИРОВ, Андижон шаҳридаги "Девонабой" масжиди имом ноиб:

– Аслида, фарзанд учун ақиқа фарз. Суннат тўйи одамларнинг ўзи ўйлаб топган дабдабадан ўзга нарса эмас. Кимлардир қарз-ҳавола қилиб суннат тўйи учун сарфлаётган пулларни ўрнига қўй сўйиб, эҳсон қилса, савоби кўпроқ. Бугун мол етақлаб қуданикига бир дунё сеп-сидирга билан кириб келаётган, бахтни дунё билан ўлчайдиган айрим кишилар, билмаяптиларки, ҳар битта дабдаба, исрофгарчиликнинг уволы бор. Исломда "Фақирлигим - фаҳримдир", деган муқаддас ҳадиси шариф бежиз келтирилмаган. Берилган ризққа қаноат қилмаслик, айтиш жоиз бўлса, атрофдаги баъзи "қўли қалта" инсонларни камситиш, демакдир.

Яратган ризққа яраша насиба беради. Насибани ортиқча дабдабага, исрофгарчиликка сарфлаш ношукрлик. Ношукрлик эса тарбиядаги оқсоқликка сабабдир. Тарбия бузилган жойда муҳит ифлосланади, соғлом маънавий дунёга путур етади. Натижада ёшлар бутун дунё улуғлаган миллитимиз қадриятларига эмас, ўзбеклигимизга зид ҳолатларга эргашадилар.

Зилола РАҶМОНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИДАГИ

ДОҒЛАР

Яқинда глобал тармоқ АҚШ кўчаларининг бирида ИШИДчилар тўдасига кириб қолган ўсмир ўз онасини отиб ўлдиргани ҳақида хабар тарқатди. Фарзанди танлаган йўлнинг хато экани, у қуллук қилаётган бадният кишилар албатта жазосини олажагини такрорлаган онаизор қисмати аянчли.

Ён-атрофимизга қарасак, хорижга йўл олаётган, тўқликка шўхлик қилаётган кишилар ҳақида эшитамиз. Содда опаси ёки синглисини биродарларига "туҳфа" қилишга шай мунофиқлар, афсуски, орамизда йўқ эмас. Фарзандлар тарбиясига бўлган озгина беэътиборлик эртага инсоният бошига кулфат келтириши мумкин. Диний ақидапарастлик, терроризм, одам савдоси, "оммавий маданият" сингари иллатлар оиладаги тарбия муҳитининг бузилиши, фарбона услубларга кўр-кўрона тақлид қилиш орқали илдиз отаётганини рад этолмаймиз.

Бутун оламни бир парча экранда кузатаётган ёшларнинг шарқона қарашлар ва миллий қадриятларга беписандлиги кишини хавотирга солади. Бу, айниқса, йигит-қизларнинг никоҳ тадбирларини ўтказишга олиб келаётган махсус "анъана"ларида яққол намоён бўлаётир. Бир умр ўзаро муносабатларини ҳаё пардасига ўраб йишаган ота-оналарнинг фарзандлари бугун никоҳ тўйида ("Love story" ("Севги тарихи") номли видеожамланмани: келин-куёвнинг сайр лавҳалари, суратлари, очик, ошқора муносабатларини ҳаммага кўз-кўз қилишмоқда...

Яқинда "Facebook" тармоғида тарқалган видеога кўзимиз тушиб, тилимизни тишладик. Келин кўлидаги гулдастани ортига улоқтирди. Уни олиб олишга уринган "келиннавар"лар бири-бирини итара кетди. Никоҳ шодийнасининг айна қизгин палласида маст-аласт куёвнавкарларнинг "хайқириғи" ости-



да куёв келини мажбурлаб ўпишга уринди. Ҳайрият, келин андишали экан, ўзини олиб қочди. Тасвирларни илғаб-илғамай кўрган момом: "Шулар болаларимизми ўзи? Қайси маҳалладан экан? Эна-отаси, ака-укаси йўқми, буларнинг? Бу ёшлар қаёққа қараб кетяпти, хайронман. Тўзим берсин-ей!", деб гудранди.

Дарҳақиқат, момомнинг куйинишида жон

Маънавиятга зид ғоялар тарғиботи замирида азалий қадриятларимиз томирига болта уриш, уларга нисбатан ёшлар эътиборини ўтмаслаштириш асносида халқни маънан емириш, ўзлигидан айиришга уриниш бордек

бор. Бу тарбияда ота ёки она ролининг сусайганидан далолат.

Яқинда пойтахтлик дугоналаримдан бири сим қоқиб, никоҳ тўйининг югур-юғури ҳақида гапира кетди. **"Хозир никоҳ кечамиздаги ракс учун машғулотларга қатнаямиз, келинлик либосларим билан бутун бошли ателъе шуғулланаяпти, "Севги тарихи" мизни суратга олдириш ҳам анча қимматга тушиди. Лекин яна бир ниятим бор. Сизларга (дугоналаримга, демоқчи) бир хил матодан либос ҳам тайёрлатиб қўяман..."** Бир кунлик тўйнинг беъмани даҳмазлари шунчалик кўп

экан-да!
Бундай маънисиз одатлар, хою-ҳавасдан кўра, бахт муҳим эканини ёшларнинг ўзи англаб етиши бугун ҳар қачонгидан муҳим.

Ёшлар тарбиясида хавотирни орттирдиган бир қанча сабаблар бор. Бу – тенгдошларимизнинг овқатланиш, сўзлашиш маданиятига европача қилиқлар ўзлашаётгани. Айниқса, ёш йигит-қизларнинг фарб услубида кийинишни одат қилаётганида енгил-епги ҳаётга мойиллик, ўзбилармонлик сезилади. Кўча-кўй, жамоат жойларида ёшлар либосларида – "I'm killer" ("Мен қотилман"), қизлар либослари ва сумкаларидаги "I won't be married" ("Мен турмушга чиқишни истайман"), "Hello, my dear" ("Салом, азизим"), "Kiss me" ("Мени ўп") сингари сўзлар, аллақачини йиртилган, тартибсиз ва аралаш усулда безатилган либосларнинг беўхшов қиёфаси маънавиятимиз кўзгусининг анчайин хиралашаётганидан нишона эмасми? Бу маънавий таназзулми?

Ёт ғоялар домига тушиб, машъум ишларга қўл ураётганлар ўз-ўзидан ёмон бўлмаган. Аслида, тарбия учун оиладан, ота-она ибратидан бошланмаган кураш уларнинг дили қора, қўли қонлиг кимсага айланishi илк сабаб эканини ҳеч ким рад этолмайди. Фарзанднинг ким бўлиб вояга етиши 45 фоиз генига, 55 фоиз тарбияга боғлиқ бўлиши, бу борада тарбиянинг имконияти баландроқ эканини англашиб турибди-ку.

Маънавиятга зид ғоялар тарғиботи замирида азалий қадриятларимиз томирига болта уриш, уларга нисбатан ёшлар эътиборини ўтмаслаштириш асносида халқни маънан емириш, ўзлигидан айиришга уриниш бордек. Бироқ бир умид кўнгилга ёруғлик беради, бу – ўзбек ёшларидаги миллий ўзлиқка содиқлик, барҳаёт қадриятларга муҳаббат. Ёшларимиз – илдизи бақувват ва буюк маънавиятнинг ворислари. Уларнинг бегона юрт маданиятига кўр-кўрона эргашмаслиги, мафкуравий хуружларга юксак дид ва соғлом дунёқараш билан жавоб қайтариши – маънавиятимиз ғалабасидир.

Дилнавоз ҚўЛДОШЕВА

ОФРИҚ

БИРИНЧИ ТАҚДИР

Жигар церрози билан касалланган бир кишининг тўртта қизи бор, ўғли йўқ экан. Иккинчи қизини турмушга узатгач, касали қаттиқ безовта қилиб, шифохонага тушибди. Муолажасини олгач, доимий парҳез тартибига амал қилиш шарти билан уйига рухсат беришибди.

Ўтган йили турмушга узатган қизининг биринчи фарзанди ўғил бўлгани учун қуда томон "Суннат тўй" қилмоқчи эканини айтиб, оғохлантиргани келибди. Қизнинг отаси аҳоли яхшимаслигини, яқинда иккинчи қизини узатиб, қуруқ қўл билан қолганини, хозирда бор-йўғи тўртта қўйи қолганини, суннат тўйига новвос (сўқим) олиб боришга қурби етмаслигини, бирор йилга шошилмай турилса, қўйларини емлаб, кейинги йил қузгача ҳаммасини – новвосни ҳам, қудаларга "сарполар"ни ҳам, қилиб беришини айтибди.

Унинг аҳолини тушунган қудаси ортиқча харажатнинг ке-

раги йўқлигини айтиб, қудасини кўндирибди. Қизнинг отаси барибир қуруқ қўл билан бормаслигини, ҳеч бўлмаса, хозирча новвоснинг ўрнига битта қатта қўчқор олиб боришини айтиб, рози бўлибди...

Суннат тўйи қутилганидек чиройли ўтибди. Икки томон ҳам хурсанд, бир-бирларига "ҳорманг, бор бўлинг", деб туришганида куёв боланинг ўртоғи: "Ҳаммаси яхши ўтди, маза қилдик", дебди. Шунда куёв: "Ҳа, ҳаммаси яхши-ку, "сўқим думини тутқазмагани бироз чатоқ бўлди-да", дебди. "Куёвтура"нинг бу кесатиғидан қайнота қизариб-бўзариб, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб чиқиб кетибди ва қаттиқ асабийлашганидан тўғри спиртли ичимликлар дўконига бориб, қатъий таъқиқланган бўлишига қарамай, аламини ичкиликдан олмоқчи бўлибди. Тўйгунича ичиб, кўп ўтмай, вафот этибди...

ИККИНЧИ ТАҚДИР

Дабдабали никоҳ тўйи, қимматбаҳо келин кўйлаги, қўша-қўша машиналарда сайр, мароқли "севги тарихи"... Келин салом сурурлари... Келинчақ ўзини эртатка тушиб қолгандек ҳис этарди. Тўйдан уч кун ўтгач, қайнота-қайнонаси жуда қатта қарзга ботгани ойдинлашди. "Ҳаммасига сизнинг бўлмағур орзу-ҳавасларингиз сабаб, – деди қайнонаси чимирилиб. – Энди қозонни сувга ташлаймиз".

Қарз машмашаси, пулни қайтариш ташвишлари билан қайнотаси ва куёви тиним билмай ишларди. Тўйдан кейин бахтли-саодатли бўлман, деб ўйлаган келинчақ уйдаги асабий вазият, қайнонанинг тинимсиз пичинглари остида кундан кунга сиқилиб бораверди. Бу орада ҳомиладор бўлиб, гоҳ аччиқ, гоҳ чучук нарсагани кўнгли тусай бошлади. Аммо қайнонаси: "Қарз машмашаси тур-

ганда еб-ичишни ўйлайдими одам", деб унинг истаклари устидан ошқора кулиб, уни нафси ёмонликка айблаверди.

Ҳомиладорлигининг саккизинчи ҳафтасида ҳушидан кетиб йиқилган келини шифокорлар кўрикдан ўтказиб, оғир қамқонлик ташхисини қўйишди... Кўп ўтмай у ҳаётига қувонч олиб кириши мумкин бўлган ҳомиласидан жудо бўлди.

– Агар қайнота-қайнонанинг шунчалик қарзга ботишини, тўйдан кейин шунақа қийналиб уяштира мизни билганимда эди, яч-тўртта меҳмонлар билан тўйимизни оддийгина қилиб ўтказишни қаттиқ талаб қилардим. Бошимга битта оқ рўмолни ташлаб, оддийгина машинада келинлик уйимга кириб борсам ҳам майли эди, – дейди қайғуга ботган келинчақ...

Фарзона НАБИЕВА

ЁДНОМА

ДУНЁ ТАН ОЛГАН ОЛИМ

Академик Акбар Қосимович Отахўжаев сийратига чизгилар

Юртимизда жаҳон илм-фанида ўз номини қолдирган олимлар кўп. Юзлаб малакали мутахассисларни тарбиялаган академик Акбар Отахўжаев ҳам мамлакатимиз, қолаверса, дунё физикаси ривожига улкан ҳисса қўшган илм дарғаларидан биридир.

Акбар Отахўжаев 1926 йилнинг 31 декабрида Туркистон шаҳрида туғилиб, воёга етади. 1948 йилда Самарқанд давлат университети физика-математика факультетини тугаллаб, талабаларга физика фанидан сабоқ бера бошлайди. Устозлари маслаҳатига амал қилиб, физика фани, хусусан, оптика ва спектроскопия соҳасини чуқур ўрганган. Ўнлаб тажрибалар ва илмий ишлар олиб боради. 1953 йилдан бошлаб оптика кафедрасида ўқитувчи, ассистент ва доцент, кейинчалик кафедра мудири, 1970-1972 йилларда эса физика факультети декани бўлиб ишлайди.

«Яхшидан боғ қолур», дейди доно халқимиз. А.Отахўжаев Самарқандда илм-фани ривожлантириш, Самарқанд давлат университети салоҳиятини янада юксалтириш йўлида баракали меҳнат қилган йирик олим эди. Устоз ташаббуси билан СамДУда илмий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида 1960 йилда «Муаммолар лабораторияси» ташкил қилинган бўлиб, бу маскан ҳозирги кунда оптика ва спектроскопия соҳасида

юқори малакали кадрлар, фан номзодлари ва докторлари тайёрлаш, чуқур илмий изланишлар олиб бориш соҳасида дунёнинг нуфузли лабораториялари сафидан ўрин олган. Устознинг бевосита раҳбарлигида 10 нафар докторлик, 30 га яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Атоқли олим монография, илмий тўпламлар ҳамда 300 дан ортққ илмий мақолалар муаллифидир.

1993 йилда Самарқанд давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясининг қарорига биноан академик А.Отахўжаев раҳбарлигида оптика соҳаси бўйича докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиши учун ихтисослашган илмий кенгаш очилади. Бу илмий кенгаш ҳозир ҳам ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Олим 1972 йилдан 1985 йилгача СамДУ ректори лавозимида фаолият кўрсатди. Ана шу даврда университет илмий-техник базаси мустаҳкамланди. Ўқув ва илмий лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, янги ўқув биналари ва иншоотларнинг қурилишига эътибор қаратди. Физика, химия факультетлари биноси, университет бosh биноси қурилди.

1983 йилда А.Отахўжаев суюқликларда критик нуқта атрофида ёруғликнинг сочилиши тўғрисидаги илмий ишлари тўплами учун Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Устоз Ўзбекистон Рес-

публикаси Фанлар Академиясининг Самарқанд бўлимига тамал тошини қўйган олимлардан бири эди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби А.Отахўжаев юксак хизматлари учун қатор давлат мукофотлари билан тақдирланган. Устознинг хотирасига Самарқанд шаҳридаги кўчалардан бирига унинг номи берилган. Табиий фанлар йўналишларида таҳсил олаётган иқтидорли талабалар учун унинг номидаги махсус стипендия таъсис этилган.

Бугунги кунда бу илмий мактабнинг фаолиятини академик А.Отахўжаевнинг шогирдлари давом эттириб келмоқда ва олинган илмий тадқиқот ишлари натижалари «Raman spectroscopy», «Molecular structure», «Molecular liquids», «Оптика ва спектроскопия» каби халқаро илмий журналларда чоп этилмоқда. Шунингдек, илмий-тадқиқот ишларини умумлаштирган ҳолда, 1981 йилда «Эритмалар ва суюқликларда релей чизиғи қанотида интенсивликнинг спектрал тақсимоти», 2009 йилда «Суюқликларда молекулар динамикаси», 2014 йилда «Суюқликларда молекуляр агрегатлар структураси ва унинг комбинацион сочилиш спектринида намоён бўлиши» номли монографиялар «ФАН» нашриётида чоп этилган бўлса, 1996, 2001, 2006, 2013, 2016 йилларда Самарқанд «Оптиклар мактаби» базасида «Молекуляр спектроскопиянинг долзарб муаммолари»га бағишланган халқаро конференциялар ўтказилди. Ушбу конференцияларда АҚШ, Германия, Польша, Россия, Украина, Беларус



ва бошқа давлатлардан шу соҳанинг етук олимлари иштирок этишди.

У асос солган илмий лаборатория ходимлари бугунги кунда дунёнинг кўпгина илмий марказлари – Гейделберг (Германия), Огайо (АҚШ), Вроцлав (Польша), Москва, Санкт-Петербург (Россия), Киев (Украина) ва бошқа давлатларнинг қатор университет ҳамда илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий изланишларини давом эттирмоқда.

А.ЖУМБАЕВ

ИСТЕЪДОД

Ҳар бир болада ўзига хос истеъдод мужассам, уни юзага чиқаришда ота-онанинг эътибори ва оилавий муҳитнинг алоҳида ўрни бор. Болага ўз вақтида тўғри йўналиш ва мақсад берилса, у тезда ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.

2004 йилда туғилган чирчиқлик Миразиз Миржалиловнинг мусиқага қизиқишини ҳам ота-онаси жуда эрта илғади. Айна пайтда Чирчиқ шаҳридаги Чайковский номидаги 15-мусиқа мактабида вокал хонандалик бўлимида таҳсил олаётган Миразиз ёш бўлишига қарамай кўпгина халқаро танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Миразиздаги мусиқага иштиёқни сезган отаси Мирабзал Адиллов уни мусиқа мактабига олиб келди. Ота-онасининг эътибори ва ишончи болакайга ўзгача куч-шижоат берди.

– Ундаги қўшиқ айтишга, мусиқага қизиқишни кўриб хайратландим, – дейди Мирабзал ака. – Оилам билан маслаҳатлашиб, ўғлимизни санъат соҳасига йўналтиришга қарор қилдик. Натижа ёмонмас.

МЕҲНАТ ВА ТИРИШҚОҚЛИК – ЮТУҚЛАР ПОЙДЕВОРИ



Ўғил-қизларимизнинг келажаги, истеъдодларини юзага чиқариши учун мамлакатимизда яратилган имкониятлар туфайли фарзандларимиз халқаро фестивалларда салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Биргина санъат соҳасида қанчадан-қанча янги иншоотлар, мусиқа мактаблари

қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу имкониятлардан тўғри фойдаланиб, миллий санъатимизни дунёга намойиш этаётган ёшларимиз сари интилмоқда. Келажада яхши ютуқларга сазовор бўлишига умид қилаймиз.

– Ҳар бир ота-она ўз фарзандлари камолида орзу-истаклари рўёбини кўради, – дейди онаси Мавлуда Адилова. – Ўғлимнинг ютуқлари билан фахрланаман. Унинг ютуқларида устози Аҳрорбек Улуғбековнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. У ўзи ёш бўлишига қарамай, шогирдларига эътиборли. Ҳар бир болага инди-

видуал ёндашади. Болаларни катта мақсадларга рағбатлантира олади.

Миразиз Миржалилов 2015 йили Туркиянинг Анталия шаҳрида дунёнинг 17 давлати ёшларини ўзида жамлаган халқаро мусиқа фестивалида 2-ўринни эгаллади. Ўтган йили Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган "SEA SUN FESTIVALI" фольклор йўналишидаги миллий қўшиқлар кўрик-танловида фахрли ўринни қўлга киритиб, ватанимизга ёруғ юз билан қайтди. Бундан ташқари, юртимизда ташкил этилаётган фестиваль ва кўрик-танловларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

– Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлмайди, – дейди Миразизнинг устози Аҳрорбек Улуғбеков. – Ҳар бир боладаги иқтидорни юзага чиқариш учун жуда катта меҳнат талаб этилади. Миразиз ўзининг тиришқоқлиги билан бошқа тенгдошларидан ажралиб туради. Ўз устиди ишлашдан эринмайди. Кўшимча машғулотларга ҳам катта масъулият билан ёндашади.

Шу кунларда Миразиз Миржалилов 19 августда Болгарияда бўлиб ўтаётган халқаро кўрик-танловда қатнашиш учун ҳозирлик кўрмоқда. Бу танловда Европа ва Осиё мамлакатларидан келган ёшлар, фольклор йўналишида беллашадилар. Ишонимизки, ёш хонандамиз бу халқаро танловда совринли ўринни эгаллаб, юртимизга ёруғ юз билан қайтади.

Зафар АМАНТУРСУНОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири




МАСЛАҲАТ

**ВАРИКОЗНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ
МУМКИНИ?**

– 16 яшар қизимнинг оёғида тўсатдан оғриқ пайдо бўлди. Кейинчалик қон-томирлари бўртиб, кўриниб қолгач, шифокор кўригига олиб бордим. Шифокор варикоз, деб ташхис қўйди. Бу хасталикнинг олдини олиш мумкинми?

Ҳамида Эргашева,
Самарқанд вилояти.



Дилшод УМАРОВ. Олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, қон-томир жарроҳи.

– Варикоз – аслида авлоддан авлодга ўтувчи касаллик бўлиб, фақат баъзи ҳолатлардагина соғлом одамларда ҳам кузатилиши мумкин. Оғир юк кўтарганда оёқ зўриқади. Заҳда кўп юриш, ич қотиши, кўп шамоллаш, узок мuddат сурункали йўтал натижасида ҳам варикоз кузатилади.

Бу хасталик бошланаётганда томирлар кўкариб қолади. Аввалига оғриқ бўлмайди. Соғлом турмуш тарзига амал қилмаслик натижасида секин-аста касаллик кучайиб боради. Унинг олдини олиш учун эрталабки бадантарбия машқларини бажариш керак. Ётган ҳолатда оёқни тепага кўтариб, велосипед ҳайдаётгандек ҳаракат қилиш, кунига 4 километр пиёда юриш фойдали. Баъзи одамлар варикозда кўп юрмай, ётиш керак деб ўйлашади. Бу нотўғри. Ҳеч қандай юк кўтармасдан, ҳар куни пиёда юриш зарур. Одам пиёда юрганда мушаклар яхши ишлайди, натижада қон айланиши яхшиланади.

Варикозга чалинмаслик учун вазни меъёрга ушлаб туриш керак. Ортиқча семириш ҳам варикозни келтириб чиқаради.

Варикози бор одамлар саунага бориши мумкин эмас. Иссиқда қон томирлари янаям кенгайиб кетади.

Бу хасталикнинг олдини олиш учун дорихоналарда сотиладиган эластик бинт билан оёқларни боғлаб юриш ёки махсус трикотаж кийим кийиш тавсия этилади. Халқ табобатида уйкуга ётишдан олдин оёққа тоза асал суриб, устидан Хитода ишлаб чиқарилган ялтироқ қоғоз қўйиб ётиш фойда бериши таъкидланади. Унутманг, асал суртилганда целлофан пакетдан фойдаланиш асло мумкин эмас.

Агар кунига оз-оздан асал истеъмол қилиб турилса, янаям яхши натижа беради. Балоғат ёшидаги қизларга бўксасини қисиб турадиган тор ички кийимлар, ўта тор шим ҳамда юбкалар, баланд пошналар оёқ кийимлар кийиш мумкин эмас. Буларнинг барчаси варикозни келтириб чиқариши мумкин.



**ЙЎЛЛАРГА
СОЧИЛГАН ХАСРАТ**

28-йўналишли маршрут таксига ўтирганимда кекса ёшли онахон куйиб-пишиб ҳайдовчига нималарнидир гапирётган экан. Ўриндиққа жойлашган эдим, онахоннинг телефони, жиринглади. Тўлиб турган экан чоғи, кўнгирак қилган кишига йиғламоқдан бери бўлиб, ҳасрат дастурхонини очди. Онахоннинг ҳайдовчига айтганлари ва телефондаги суҳбатидан англадимки, турмуш ўртоғи хасталаниб қолган.

Шифокорлар беморнинг яқинлари норози бўлишига қарамай, операция амалиётини ўтказишган ва у муваффақиятсиз чиққан. Шундан кейин тўлиқ соғаймаган беморни

уйига жўнатишган. Афсуски, беморнинг аҳволи аввалгидан оғирлашиб, яқинлари уни ўша касалхонага олиб боришса, шифокорлар қабул қилмаган. Сарсон-саргардон, оворагарчиликлардан кейин бир амаллаб касалхонага ётқизишибди. Бироқ операция амалиётини ўтказган шифокор бемор ва унинг яқинлари устидан қулгандай қилиб: "Бу касалликни операциясиз даволаса ҳам бўларди", деганимиш.

Онахон телефонда: "Ноинсоф шифокорларни Аллоҳнинг ҳукмига топширдим. Жарроҳлик амалиёти учун касалхонага газнасига ўн миллион сўм тўлов қилганимиздан кейин ҳам

ТААССУФ

Узоқ йиллардан буён касб-ҳунар қоллежида ҳамшира бўлиб ишлаётган дугонамни учратиб қолдим. Суҳбат давомида у ўқувчилар ҳаётида содир бўлган айрим нохуш воқеаларни сўзлаб берди.

Бу воқеа 10 йил аввал содир бўлган эди. Ушанда ҳомилдорлик таътилидан чиқиб, энди иш бошлаган пайтларим эди. Коллежимизда Сарвар исмли бола бўларди. Жуда шўх, ерга урсанг, кўкка сапчирди. Шу сабаб доим Сарварнинг ота-онаси коллежга чақириларди. У ўқийдиган гуруҳнинг давомати паст бўлгани учун мажлисларда ўша синф раҳбари гап эшитарди. Чунки Сарвар бошқа ўртоқларини ҳам йўлдан уриб, дарсдан қочишга ундарди. Дарвозадан чиқай деса, қоровул дарс тугамай, ташқарига чиқармайди. Шунинг учун болалар бетон девордан ошиб, қочишарди. Ўша куни Сарвар ўртоқларисиз бир ўзи қочишга ҳаракат қилган. Бетон деворга осилиб, сумкасини ерга отгану, ортидан ўзи ҳам сакраган. Аммо бетон деворнинг қалин симиغا шими илиниб қолиб, ёмон йиқилган. Натижада, буйраги жойидан силжиши, яъни узлиши оқибатида ўша ернинг ўзидаёқ жон берган.

Онасининг айтишича, ўғли дарсдан қочиб, уйга бормас, компьютер хонада ўтирар экан. Уйдагилар нега кеч қолдинг, деса, қўшимча дарсда эканини баҳона қилган. Ўғлининг нима иш қилиб юргани билан на онаси, на отаси қизиққан.

Бу фалокатда ҳеч кимнинг айби йўқ, дегим келади-ю, бироқ...

– Коллежимизда ўқувчиларнинг давоматида қаттиқ эътибор бериларди. Қўл телефонидан дарс пайтида фойдаланиши, қизларнинг сочини ёйиб, қалта юбка кийиб келиши мумкин эмас. Шу боис қизлар кол-

леж дарвозасидан ичкарига киришдан олдин ёйилган сочини йиғиштириб, юз-кўзларидаги бўёқларини артиб, ўқувчи қиёфасига кириб келишади. Ўша йили коллежимизда спорт мусобақаси ўтказилаётган эди. Иккинчи босқич ўқувчилари ичида Гулруҳ деган қиз бор эди. Нозик, озгингина бўлгани учун ҳали боши, ҳали қорни оғриб, тез-тез дарслардан руҳсат олиб кетарди. Баъзи-баъзида синф хонасига кириб, ўша қиздан хол-аҳвол сўраб турардим. Мусобақа



ўтказилаётгани учун ҳамма ўзи билан ўзи овора, қизлар спорт залига шовша, йиғитлар футболга ошиқарди. Гулруҳ мусобақага қарамай, уйига кетишга аҳд қилган. Аммо йўлак бошида ўтирадиган навбатчи чиқармаслигини билгач, синф хонасининг деразасини очиб, дераза раҳига чиқиб, аввал сумкасини пастга улқотирган. Сўнг сумканинг ортидан ўзини ерга отган. Бирданига коллеж ҳовлисида, йиғи-сиги, қий-чув бошланди. Гулруҳ ерга сакраганидан иккала оёғининг тиззаси билан йиқилиб, тиззаларининг косаси қаттиқ лат еган экан. Зудлик билан уни шифохонага олиб бордик. Аммо жароҳати оғирлиги сабабли Гулруҳ ногирон бўлиб қолди.

Кейинроқ маълум бўлишича, Гулруҳ дарсдан қочиб, бозорда онасига савдосотикда ёрдам бераркан.

ОЙНА

операциядан чиқиб, шифокор яна минг доллар қўл ҳақи сўради. Куёвимиз уни ҳам берди. Шунча пулимиз кетганига яраша, болаларимнинг отаси соғайиб кетса майли эди-я. Афсуски, аҳволлари кундан-кунга оғирлашиб боряпти. Дўхтирлар энди умид йўқ, дейишяпти". Онахон гапира туриб, йиғлаб юборди. Телефонни ўчиргач, уни суҳбатга тортдим:

– Холажон, мен журналистман, газетада ишлайман. Турмуш ўртоғингиз қайси касалхонада ётганини, шифокорларнинг исм-шарифини айта olasизми, журналистик текшируви ўтказиб, газетада ёритмоқчи эдим.

– Қизим, ёзмай қўяверинг, фойдаси йўқ. Минг доллар қўл ҳақи олганини айтгандим, ёнидаги ҳамширалари: "Қачон, кимга бергансиз? Иsobитингиз борми?" деб кўзларини лўқ қилишди. Менга шу ташвишлар ҳам етиб ортади. Бундай шифокорларга ҳам Худонинг айтгани бордир...

Нима ҳам дердим, маълумотни мажбурлаб олишинг иложи бўлмаса?! Одамлар журналистларни охижлик, кўрқоқликда айблайдилар. Аммо кўп ҳолларда муаммоларни олиб чиқишда журналистга ёрдам бермайдилар. Бу ҳолатда ким айбдор муаммонинг тагига етиб, ечим топишга уринган журналистми ёки ўзи билан бўлган воқеаларни эшитган одам матбуот вакили эканини билиб, тилини тишлаган инсонми?

Умида АДIZОВА

**УВОЛ БЎЛГАН
УМРЛАР**

– Бу воқеа 1 апрель – ҳазил-мутойба куни содир бўлганди. Учинчи курс ўқувчилари орасида Соҳиб исмли ўзига ишонган, бадавлат oilанинг фарзанди ҳам ўқирди. Коллежга ҳар куни турли русумдаги машиналарда келарди.

Соҳиб математика ўқитувчиси Хусния Аҳмедова билан битта маҳаллада яшарди. Ўша куни тўртинчи соат математика экан. Соҳиб синфдошларига мақтаниб: "Ҳозир ҳаммаларингни дарсдан озод қиламан", дебди. Синфдошлари ишонмабди. Соҳиб дарс бошланишдан олдинроқ ташқарига чиқиб кетибди-да, ўқитувчи хонага кириб, ўқувчилар билан саломлашгач, хонага шошиб-пишиб кириб келибди. Сўнг: "Устоз, ҳозиргина уйдан келяпман, онангиз оғирлашиб қолибди, "Тез ёрдам" чақиринди", дебди. Хусния Аҳмедованинг онаси анчадан буён бетоб бўлиб ётган экан. Бу хабарни эшитиб, муаллима синф хонасидан ўқдек отилиб, чиқиб кетибди. Бир сония ҳам ўтмай, бутун синф ўқувчилари уй-уйларига қочиб қолишибди. Ўз ишидан мағрурланган Соҳиб синфдошларини машинасига миндириб, елдек учибди. Йўл-йўлакай "аҳмоқ" қилинган устозининг устидан кулишибди. Машина ҳайдашининг ҳадисини олган, аммо йўл қондасидан беҳабар Соҳиб чорраҳада автоҳалокатга учраб, беғуноҳ дўстининг умрига зомин бўлди.

Соҳибга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, бугун у жазо мuddатини ўтаб қайтди. У-ку қилган ишдан пўшаймон, жазосини олиб, ота-онасининг бағрига қайтди. Аммо ўн гулидан бир гули очилмай, бевақт хазон бўлган йиғитнинг онаси бу дардни кўтара олмади...

Нигора Алишер қизи ёзиб олди



соҳиблари. Нега кўпаймоқда бундайлар? Эркакнинг аёлдан таъма қилиши, пул сўраши, аёлининг топгани ҳисобига кун кечириши қачондан айб рутбасидан фахр даражасига кўтарилди?

– Эркак кишини аягани сари аёл қадрсизланиб бораверар экан, – дейди таниш опахон. – Эримнинг топиш-тутиши унчалик яхши эмасди. Аллоҳ ҳамманинг ризқини ҳар хил, баракасини турлича тақсимлаган. Кам топса ҳам, Аллоҳ бизга тақдир қилган ризқнасибани толяпти, деб эримни аядим. Кўнглим тусанган нознеъматлардан ўзимни тийдим. Болаларимни ҳам озга қаноат қилишга ўргатдим. Ўзим ёки болаларим бетоб бўлиб қолсақ уйда ётиб, ҳали иссиқ сувга оёғимизни солиб, ҳали новвот чой ичиб касалликка даво топар эдим. “Эримнинг пули йўқ, бировдан қарз сўрамасин, сарғаймасин”, деб ҳатто кейинги фарзандларимни

боқишни вазифа деб қабул қилган эркакшода хотин қиёфасида кўринган нозик хилқатнинг ҳам кўнгли тубида ҳеч кимга айтолмайдиган, тунлари ёстиққа тўқадиган дарду изтироблари бор. Ахир, ожизаликни, севиб-севилиб яшашни қайси аёл истамайди дейсиз?

Кечки сайрда учратганимиз икки аёлдан икки минг сўм тиланиб, илжайиб турган сурбет йигит сабаб бўлиб, дугонам иккимиз “замонавий” эркаклар мавзусида узоқ гаплашдик.

Биз аёллар ҳадея, совға-салом қилиш, қийналганида далда бериб, имкон қадар ёрдам қўли чўзишни муҳаббат ва садоқат белгиси сифатида кўрамыз. Шунинг учун жуфтимиз ёки кўнгли қўйган инсонимизга тез-тез ҳадеялар тортиқ этамыз, яхши нарсаларни уларга илинамиз, ёрдам берамиз. Аммо бу этиборимиз кучли

Қайси юртнинг аёллари назоқатини унутиб, эркакшодалиқдан ҳаё қилмай қўйган бўлсалар, бу юзқаролик учун эркакларни кечириб бўлмайди.

эди, пул зарур бўлгани учун ишга чиқдим”, “Хотиним болаларим билан уйда оч ўтирибди, сиз пулни беринг, уйга жўнатиб юборай”...

Аёл зоти кўнгли бўш, раҳмдил, ишонувчан. “Аёлнинг мақри қирқ туяга юк бўлади” дегувчилар ҳам аёл меҳр-шафқат олдида ожиз қолишини яхши билади, аслида.

– Уй тиклаётганим, –

дейди вояга етмаган қизи билан яшайдиган ёлғиз аёл. – Икки марта мардикор бозоридан уста олиб келиб, алдандим. Биринчиси: “Сурхондарёликман, хотинимнинг тоби йўқ эди. Пул ишлаб жўнатаман дегандим. Болаларим пулсиз қийналиб қолгандир”, деб жавдиргани, раҳиминг тоби йўқ эди. Келишилган хизмат ҳақини олдиндан бердим. “Пулни жўнатиб, ҳозир қайтаман”, деганча изсиз йўқолди. Ун беш кун кутдим. Алда-

АЁЛЛАР НЕГА МАРДЛИК ТЎНИНИ КИЙМОҚДА?

Салқин оқшомда дугонам билан сайрга чиққандик. Бир маҳал шундоққина олдимизда ярашиқли кийинган, кўркамгина бир йигит пайдо бўлди-ю, ялтоқланиб салом бераркан, шоша-пиша деди:

– Кеннойи, икки минг сўм беринг, илтимос. Керак эди-да, раҳмат олдиндан...

Нима даяримизни билмай қолдик. Йигит эса илжайганига уэр сўраб, йўлида давом этди. Тавба, эркакларга нима бўлган ўзи? Кўриниши бип-бинойи, ўзи қиличдек бир йигит тап тортмай, бегона аёллардан пул сўраса-я.

– Бунақаларнинг шундай хурмача қилиқларига ҳайрон бўлмай ҳам қўйдим, – деди дугонам нафрат билан. – Одобли, чиройли, ақли-хушли ҳамкасбимиз бир йигит билан аҳду паймонли экан. Йигит ҳам бир қарашда рисоладагидек, олий маълумотли, иши тайин. Аммо қизнинг раҳмдил, самимийлигидан фойдаланиб, катта миқдорда қарз сўрабди. Қиз ҳам орқа-олдини сурштирмай, пул зарур бўлмаса, бунақа жавдирмасди, деб топган-тутганини йигитга тутқазибди. Қўлига пул теккан кунёқ йигитнинг муомаласи ўзгарибди. Тирноқ тагидан кир ахтариб, қизнинг асабига тегар, жанжалга баҳона изларкан. Охири уялмай-нетмай: “Мен сени яхши кўрмайман, шу ерда узилишамиз”, дебди-ю, хайр-маъзурни насия қилиб кетворибди. Аёл муҳаббатни ғамхўрлик, меҳр, далда деб билади. Йигитни чиндан ҳам мушкул вазиятга тушган, мени ўзига яқин олиб, муҳтож бўлгани учун сўрапти, деб ўйлаб, қиз бечора пешона тери тўкиб, минг машаққат билан топган пулини товламачи, фирибгарга ўз қўллари билан тутқазганига қуйиб қолаверди...

ЭРКАКНИ АЯГАН АЁЛ ҚАДРСИЗ БЎЛАДИ...МИ?

Афсуски, бугун товламачи, фирибгар дея таъриф бериладиган кимсалар йиртиқ-жулдур кийимда юрадиган, уст-боши абгор кишилар эмас, балки бир қараганда рисоладагидек, инсонда илиқ таассурот уйғотадиган қиёфа

ёхуд ориятини арзон пуллаётган айрим эркаклар ҳақида сўз

туғуруқхонада эмас, уйда дунёга келтирилганман. Охир-оқибат эримдан топганим хиёнат бўлди. Пул топиб бахт топмаган, оила, фарзанд қадрини билмайдиган бетайин хотинга илакишди-ю, “бетимнинг қалини – жонимнинг хузурини”,

жинс вакилларига ялтоқланиш, пул ва совға-салом билан ўзига қаратишга интилиш бўлиб кўринаркан. Ва бора-бора таъмагирликка ўрганиб, ўзининг нотавон ҳолидан уялмай қўяркан...

“Нотавон ҳолидан уялмай қўяйди...”



деб кетди. Эримнинг бу абгор аҳволига ўзимни айбдор деб биламан. Агар мен ҳам бошқа аёллардай: “Кўп пул толасан, ишлайсан, уйландингни, боқасан, болаларни орқамдан эргаштириб келмагандим!” деб оёқ тираб турганимда балки эрим бунчалик талтайиб кетмасмиди. Аёллик қадримни, иззатларини билганимда, бугун болаларимнинг кўнгли кемтик, кўзи мунгли бўлмасди, ўзим “эри ташлаб кетган аёл”, деган маломатга қолмасдим...

ЁСТИҚҚА ТЎКИЛГАН ДАРДЛАР

Биз ўзи меҳнат қилиб топган пулига уйлар қурган, эрига автомашиналар олиб берган, рўзгорнинг ҳамма оғир-оғирлигини ўз бўйича олган аёлларни кўрганда, истеҳзоли қулиб қўямиз. Ваҳоланки, сизу бизга зиммасига эр

Ҳа, афсуски, ҳозир орамизда шундайлар кўпайиб бораётганини инкор этиб бўлмайди. Айримлари, тап тортмай ижтимоий тармоқлардаги саҳифасида “уй-жоили, пул топадиган аёлга уйланмоқчиман”, деб эълон ҳам беришади.

ЮЛГЧИКЛИКНИНГ “ҲАЛОЛ” ЙЎЛИ

Баъзилари юлғичликнинг “ҳалол” йўлини ўйлаб топишган. Аёлларни авраш энг хавфсиз ва ишонарли йўл деб ўйлашади. Мардикор бозорига гўёки иш излаган одам бўлиб чиқишади. Мардикор ишлатмоқчи бўлган, эркаги йўқ аёллар ундайлар учун тайёр “ўлжа”. Ишни бажармай туриб пулни сўрашади. Важкорсонлари ҳам ўта ишонарли, ҳатто раҳмингиз келади: “Онамнинг тоби йўқ

ган бўлиши мумкин, деган ўй хаёлимга ҳам келмади. “Хотини саломатмикан?” Болалари тинчмикан?” деб хавотир олдим. Ахир кунни ўзига қолган, бошида паноҳи йўқ аёлни алдаб пулини олиш учун одам жирканч, пасткаш бўлиши керак-ку! Ёз ўтиб боряпти, майли, бошқа уста ёллаб уйимни тиклайверай, бирор иши чиққан бўлса ўзи келади, деб яна мардикор бозорига чиқдим. Бу сафар навоийлик йигит онасининг бетоблигини рўқач қилиб: “Ҳеч бўлмаса пулнинг ярмини беринг”, дея туриб олди. Ишониб-ишонқирамай пулни бергандим, у ҳам йўқ бўлиб кетди. Юрагим оғриди. Тўғри, сўққабаш аёлман, содда, раҳмдилман, лекин аҳмоқ эмасман. Билага кучга тўлган икки эркак мени алдади, деб ўйламадим. Аллоҳ эркакнусха маҳлуқларини менга муҳтож қилиб қўйган экан, хайр-эҳсоним даргоҳида қабул бўлсин, деб қўйдим...

Балки бу мулоҳазалар муштарий учун оддий гапдек туюлгандир. Балки биз эркак қиёфасидаги нотавон, ожизларнинг пасткашлиги, таъмагир, тиланчи-талончилигига кўникиб кетгандирмиз-у, қаламга олган оғриқларимиз кимларнингдир гашини келтиргандир.

Аммо мана шундай ҳолатлар туфайли аёллар эркакшода бўлиб, дағаллашиб, қалби қаттиқлашиб борма-яптими?! Аёл аслида кўзга ўхшайди. Унга қандай қарасангиз, сизга шундай акс қайтаради. Рўпарасида музтаргина туриб, пул тиланаётган, ўзини бечора аҳвол кўрсатиб юлғичлик қилаётган эркакларни кўрганида аёл мардлик тўнини қияди. Орият, ғурур каби эр йигитлик нишонини бошига тож қилади. Ва ўз-ўзидан аёлликдан узоқлашиб, ожизликдан уялиб бораверади. Зотан, “ожиз” деганда аёлнинг пулига қорин тўйғазиб, ундан фойдаланиш учун ўзини тупроқ қилаётган паст кимса кўз олдига келади-да...

Умида АДIZОВА

Оила ва Ҷамият
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 826. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 5021. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчилар:

У. Адизова
Б. Исмоилов

Мусаҳҳиҳ:

С. Сайдалимов

Саҳифаловчи:

А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида

терилди ва саҳифаланди.

ISSN 2010-7609



1 2 3 4 5